«ALPHA AUDIT»
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
ТҲАЙ кўчаси, 20-а-уй
тел: (97)400-77-09, (98)808-74-47

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

30 апрель 2026 йил **Тошкент шаҳар**

“UZKABEL” АЖнинг
2025 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботига
ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи:
«UZKABEL» МЧЖ ҚК.
Манзил: Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 2-уй.

Мен, “ALPHA AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Зарафшон м.ф.й., Тошкент ҳалка автомобил йўли 20-а уйда жойлашган, СТИР: 312752822) аудитори У.Сафаров (06035-рақамли аудитор малака сертификати 21.08.2022 йилда берилган) томонидан 2026 йил 1 апрелда тузилган 07/04-26-сонли шартнома асосида «UZKABEL» АЖнинг 2025 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган “Бухгалтерия баланси” ва кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботиларни, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий хисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримиз бўйича, юқоридаги тақдим қилинган молиявий ҳисоботлардаги ахамиятли жихатлар хаққоний акс эттирилган ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ келади.

Раҳбариятнинг молиявий хисоботлар учун жавобгарлиги.

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим, бузиб кўрсатишлардан холи ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда мухим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғликдир.

Бундай рискларни баҳолашда, жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятта мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрланиши ва ҳаққоний тақдим этилиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказилишида қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишидаги баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз томондан олинган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

МЧЖ шаклидаги “ALPHA AUDIT”
аудиторлик ташкилоти директори **У.Сафаров**